



Жона Жон Москва

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК
РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ
40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Совет пойтахти гуллаб-яшнамоқда

Ободонлаш соҳасида бизнинг пойтахтимиз Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини қандай ютуқлар билан кутиб олмақда? Москвада яқин йиллар ичида қандай ўзгаришлар бўлади? ТАСС мухбирлари Москва Совет ижроия комитетининг раиси Николай Иванович Бобровниковга шундай саволлар билан мурожаат қилдилар.

— Биз Москва тўғрисида гапирганимизда, — дейди ўртоқ Бобровников, — жаҳондаги энг катта шаҳарлардан бирини, қарийб беш миллион аҳолиси ҳамда қудратли индустрияси бўлган шаҳарини кўзда тутмай, балки бундан бекпеё каттакор нарсани кўзда тутамиз. Москва бундан кўп асрлар илгари Россия бирлаша бошлаган марказ бўлганлиги билан руслар учун гўят азиздир. Ҳар бир совет кишиси учун Москва социалистик Ватанимизнинг пойтахти бўлганлиги билан, бу ерда партиянинг штаби — деярлик Марказий Комитет ва Совет ҳукумати ишлаб турганлиги билан азиздир. Бутун илгор инсоният Москвани тинчлик байроқдори деб билади. Бу ерда ўлмас Ленин яшади ва меҳнат қилди.

Шунинг учун ҳам вазифа шаҳарни шунчаки ободонлашдан иборат бўлиб қолмай, балки унинг қиёфасида шаҳарнинг бутун тарихий улуғворлигини акс эттиришдан, Москва байроқдори бўлган коммунизмининг улуғворлигини акс эттиришдан иборат бўлади.

Савол: Октябрдан сўнгги дастлабки кунларда меҳнаткаш кишилар учун яхши шароит яратиб бериш ҳамда шаҳарни ободонлаш юзасидан Москва Совети қандай тадбирлар кўрган эди?

Жавоб: Москва Совети В. И. Лениннинг кўрсатмиси билан биринчи марта амалга оширган йirik тадбир шундан иборат бўлдики, илгари ўз онглари билан подвалларда, ҳар хил ташланган жойларда яшаб келган тахминан 500 минг меҳнаткаш шаҳар марказига, буржуазиянинг кватираларига кўчирилди.

1918 йил 11 мартда Москва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг пойтахтига айланди, бу ерда Петрограддан В. И. Ленин

Москва Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. И. БОБРОВНИКОВ билан суҳбат

бошчилигидаги Совет ҳукумати ва Коммунистик партия Марказий Комитети кўчиб келди... Улуғ Ленин шаҳарни ободонлашни Москва Совети олдига вазифа қилиб қўйди.

Москвада ободонлаш ишлари граждандар уруши тамом бўлиши биланоқ бошланиб кетди. Партия Марказий Комитети июнь пленумининг (1931 йил) «Москва шаҳар хўжалиги ва СССР шаҳар хўжалигининг ривожланиши тўғрисида» чиқарган қарори бу соҳада муҳим давр бўлди. Улуғ давлатнинг пойтахти — Москвани қайта куриш ва янги динлиги ва кўлами жиҳатидан тарихда мисли кўрилмаган план бўлди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида пойтахтда 14 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилди. Шаҳарнинг территорияси ҳам икки марта кенгайди. Москва урушдан олдинги 1940 йилда 390 минг квадрат метр уй-жой биноси олган бўлса, бу йил 1800 минг квадрат метр, яъни қарийб беш марта кўп уй-жой биноси олади.



Москва дарёсининг Кремлдаги Иван Великий қўнғирқонасидан кўриниши.

Совет ҳокимияти йилларида Москвада йirik санат барпо қилинди, шаҳарни реконструкция қилиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. 600 дан ортиқ мактаб, кўп-лаб касалхона, поликлиника, болалар муассасаси, кинотеатр, меҳмонхона, клуб, маданият саройи қурилди. Шаҳарда уй-жой биноларини, коммунал-маиший корхоналарни газ билан таъминлаш юзасидан катта ишлар қилинди.

Пойтахтимиз жаҳондаги энг яхши метрополитенга, ажойиб иншоот бўлган — Москва номли каналга, Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги ва санат виставкаларига ва бошқа жуда кўп муҳташам биноларга ва иншоотларга эгадир. Уларнинг ҳаммаси Москванинг қиёфасини бойитди.

Савол: Москвада уй-жой ва маданий-маиший қурилушнинг перспективалари тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз? Яқин йиллар ичида пойтахтимиз қандай бўлади?

Жавоб: Дастлаб шунини айтиб ўтиш керакки, партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ яқин 10-12 йил мобайнида уй-жойга бўлган танқисликни тугатиш мақсадида уй-жой қурилиши ҳамма анча ортади. Олтинчи беш йиллик давомидагина пойтахтда 11 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари, 200 га яқин мактаб, кўп-лаб касалхона, кинотеатр, меҳмонхона қурилади.

Шаҳарнинг ғарби-жанубий райони жуда кўп бинолар қуриладиган район бўлади. Бу ерда сўнгги беш йил мобайнида умумий майдони 400 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари қурилди. Бу уйларида пойтахтнинг ўн мингларча меҳнаткашлари яшамокдалар. Олтинчи беш йилликнинг охирида ғарби-жанубий райондаги жуда катта территорияда янги қурилган уйларида 200 мингга яқин москваликлар яшай бошлайдилар. Бу районнинг энг яққол жойида Москва давлат университети билан ёнма-ён қилиб Советлар Саройи ҳамда бутун дунё меҳнаткашларининг ўлмас ҳоҳиси В. И. Ленинга улуғвор ҳайкал қурилади.

Улуғ пойтахт¹⁾

Бугун ана тўнғининг катта йўлида
Кўш чиқишини кутаман бодор.
Кўшча мазмунни дилмига намраб,
Москва шаънига шеър айтигим бор.

Шеърлар ўзининг содда, табиий,
Умрдай мунтазам оқини билан,
Москва мадҳини оққа кўчирар
Юранинг уриши, талқини билан.

Шеърим раёонлида шўҳрат чиқарган,
Шеъримдан туманча дилларга ором.
Шеър ўз шеърини мақтолмас эди
Унга бермасайди Москва илҳом.

Реал замонанинг реал умрини
Реал соатларда йшаган инсон,
Кўролур оламда коммунизмининг
Ғолиб замонаси келганин аён.

Кишилиқ умрининг файзи, шунуҳи
Улуғ Москвадан топади намол.
Кишилиқ ақлининг отуқ намол
Москва орқали кўргузув намол.

Бошқа планеталар очилгунча йў,
Ер эса бизники — инсонларники.
Ерда яшайдиган барча кишилар
Москва марказ деб атайлар, чунки:

Кишилиқ йўлининг чароғбони у,
Барча мазлумларнинг меҳрибони у,
Тинчликнинг пўлатдан кўйма қалъаси,
Кишилиқ ҳуқуқини посбони у.

Маданият оламан, улуғ Москва,
Жаҳон пойтахти, ҳуқуқим, бахтим.
Ер юзи халқларини ташкирурини
Қай сўз билан айтмай, мустаҳкам тахтим!

Яхши ният билан, кимки бўлмасин,
Москва йўлига боғласа намар,
Эзгу тилигидан бўлмас ноумид,
Еронлар дегайлар: — Муборак сафар!

¹⁾ Қисқартрилиб олинди.

МОСКВА ОЛИМЛАРИНИНГ ШУҲРАТИ

Москва — совет фанининг шўҳрат топан марказидир. Москва олимларининг лабораторияларида турилган кашфиётлар совет фанининг шўҳратини бутун жаҳонга таратди. Қўйлаган лавҳалар Москва олимларининг фидокорона меҳнати тўғрисида ҳикоя қилади.

1. ЛЕНИН БИЛАН БИРГАЛИНДА

Ёқилиги ва электр қуввати ниҳоятда танқис бўлган, интервенция ёш советлар республикасини ўраб турган энг оғир вақтда Глеб Максимович Кржижановский Владимир Ильичнинг қўллаб-қувватлаши билан Москвада «Электротехника» станциясини янги болади. Москва санъати, транспорт ишчиларининг уйларида нур берилди.

Қадам-қадам Ленин билан биргаликда большевик олим Кржижановский Россияни электрлашнинг


масҳур планини ишлаб чиқади. Ленинча ГОЭЛРО вақтинча Совет ҳокимиятига тақдим этилади.

Глеб Максимович Кржижановский қарийб 50 йилдан буюн Москвада яшамокда ва меҳнат қилмоқда.

Г. М. Кржижановский бошқа совет мутахассислари билан биргаликда совет энергетикасини Ленин, Коммунистик партия кўрсатиб бер-

ган йўлдан ГОЭЛРО планидан тортиб яқин орада бутун мамлакатни қоплайдиган юқори вольтли ягона тармоққа қалар ривожлантириб борди.

СССР Фанлар академиясининг Москвадаги энергетика институтини Кржижановский бунёдга келтирган. Эндilikда бу институт бутун маданий-илмий энергетика тўғрисидаги фикрнинг марказидир.



Автозавод кўчасидаги янги уй-жой бинолари.

Бизнинг районимизни ҳозир таъиниб бўлмайди. У, пойтахтдаги энг катта районлардан бирига айланди. Сўнгги йиллар мобайнидагина энгизналар шоссесига, Лефортов пализига ҳамда Красноказарма кўчасига юз минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой биноси қурилди. Ҳамма ёқда янги қурилушлар — олти боришмоқда, башпа краплари ишлаб турибди.

Менга азиз бўлиб қолган Войтович вагон-ремонт заводини ҳам таъиниб бўлмайди. Бу — техника жиҳатидан пухта ускуналари йirik заводдир. «Москвабель» заводининг қуввати 25 мартадан зиёд ошди, «Серп и молот» заводи мамлакатнинг 1700 дан кўпроқ корхоналарини ўз маҳсулоти билан таъминламоқда. Бир қанча янги корхоналар

қурилди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни мамлакатимизнинг ҳамма жойларида яхши биладилар.

Москвадаги совет чекка жойи эндиликда фан ва маданият районига айланди. Илгари бум-бўш ётган бу жойда ҳозир Москва энергетика институтининг корпуслари қад кўтариб турибди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифок электротехника институтининг аудиторияларида на лабораторияларида минглаб студентлар таълим олмақдалар. Районда бир қанча илмий-текшириш муассасалари барпо қилинган, кечки металлургия институтини ва бошқа ўқув муассасалари, кўпгина клуб, кутубхона очилган.

Москвадаги совет чекка жойларида бирининг тарихи ана шундай.

II. ТИНЧ АТОМ

Газеталарда эълон қилинган бир фотосуратни жуза ахши эслаймиз. Суратнинг тағига «Жаҳонда биринчи» деган сўзлар ёзилган эди. Бу сурат Москва яқинида жаҳонда биринчи атом электрстанцияси янги туширилганлигини билдиради эди. Бу станция Москва яқинидаги шаҳар ва қишлоқларга нур берди. Тинч атом электр лампочкаларига кириб бориб, завод цехларини, мактабларни, касалхоналарни, уй-жойларни чароғон қилди.

Жаҳонда биринчи атом электр станциясини ижод қилган кишилар — Улуғ Октябр тарбиялаб ўстирган москвалик олимлардир. Бу йил Д. И. Блохинцев, Н. А. Доллежал, А. К. Красин, В. А. Маллихлар ўз меҳнатлари учун энг олий мукофот — Ленин мукофотини олишга сазовор бўлидилар. (ТАСС).

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* Москва шаҳар хаёқ хўжалиги кенгаши 500 дан кўпроқ йirik корхона билан бирлаштиради. Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини мунособ кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган фабрика ва заводларнинг меҳнаткашлари маҳсулот ишлаб чиқаришни тинмай оширмоқдалар.

* Москванинг йirik санат революциядан илгарики даражага нисбатан 61 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

* Бу йил «Динамо» заводининг коллективи электротехника маҳсулотининг бир қанча янги, мураккаб хилларини ишлаб чиқара бошлади. Завод коллективи гидротурбиналарнинг шлозларини автоматик суратда бошқарадиган электр ускуналар комплектини ишлаб чиқарди. Бу соҳада қўллангани янги схема кемаларини шлозлардан ўтказиш вақтини 25 процент қисқартириш имкониятини беради.

* Москвадаги Шербаков номи иппачилик комбинати 150 дан кўпроқ хилда газлама ишлаб чиқармоқда. Бу йил харидорларга жуда манзур бўлган жаккар газлама сиёниқса кўп ишлаб чиқарилди. Ҳозир бу газлама 300 минг метрдан кўпроқ ишлаб чиқарилади.

* Москва темир йўа узели — мамлакатдаги энг йirik узелдир. Бу ерда суткасига 30 минг товар вагон юклади ва бўшатлади. Москвага келадиган ва бу ердан жўнаб кетадиган пассажир поездларининг сон ҳар бир минутта биттадан тўғри келади.

* «Парижская коммуна» фабрикасининг коллективи оёқ кийимларининг хилини кўпайтирмоқда. Бу фабрика мактаб ва мактаб ёшига бўлган болалар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни йўлага қўйди. Эркалар сандастни ҳамда «Экстра» деган пошоналик модель оёқ кийими харидорларга жуда манзур бўлди.

* Пойтахт транспорт кўнига 8 миллиондан кўпроқ кишини ташимокда.

ҚАДИРДОН ШАҲАР

Мен Москвани биринчи марта 1925 йилда кўрдим. Москвадаги менни ўз қариндошларидек қабул қилдилар. Бу ерда ўзбек қизи учун санъатнинг бахтиёр йўли очилди.

Мен ҳозир Москвада тез-тез бўлиб тураман. Бу ерда СССР Олий Советининг депутаты сифатида давлат ишларини ҳал қилганим, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг аъзоси сифатида бу комитетнинг мажлисларида қатнашганим келиб тураман.

Москва — тинчлик ва дўстлик машаълидир. У бутун инсониятга ҳаққонинг суларини етказмоқда, олдий қишлоқларга янги, бахтиёр ҳаёт қуришининг улуғ намунасини кўрсатмоқда.

Сора ЭШОНТУРАЕВА, СССР Олий Советининг депутаты, СССР халқ артисти.

Москва! Ҳаммамиз учун азиз бўлган бу сўзни айтганимизда қалбимиз чексиз қувонч ва ширин орузлар билан тўлади.

Москва биз учун ижодий фикрнинг маркази, илҳом манбаси, самимий учрашувлар шаҳридир.

С. А. АРУТЧАН, Арманстон СССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Биз, тожиклар ўзимиз учун барча қимматли ва азиз нарсаларни, халқимизнинг экономикаси ва маданияти тараққиётдаги барча нарсаларини Москва номи билан боғлаймиз. Биз: «Жонажон Москва» деб айтаемиз, чунки бу шаҳар тожиклар, ўзбеклар, туркманлар ҳамда мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар учун ҳақиқатан ҳам қадрдон шаҳардир.

Яқинда меннинг кенжатай қизим: «Ойижон, Биз Москвага бораемиз, Бизнинг йўдошмига тушиб, сайр қилаемизми?», деб сўради. Москва бизнинг болаларимиз учун ҳам энг гўзал шаҳар бўлиб қолади — у ерда инсониятнинг порлоқ келажиги барпо қилинмоқда.

Санда АҲАДОВА, Сталинобод тўқимачилик комбинатининг мастери.

ИЛЬИЧ ЗАСТАВАСИ

У, пойтахтнинг серкатнов жойларидан бири эканлигини москваликларнинг қайси бири билмайди дейсиз. Бу ерда «Серп и молот» металлургия заводи, Войтович номи вагон-ремонт заводи, «Москвабель» заводи ҳамда бошқа корхоналарнинг жуда катта корпуслари қад кўтариб турибди. Энгузиастлар шоссесининг асфальтланган кенг лентаси шу ердан бошланади. Москвани Владимир Горький ва бошқа шаҳарлар билан боғловчи бу магистралдан автоташналар кети узилмай қатнаб туради, шоссенинг икки тарафига эса кўп қаватли чиройли уй-жой, мактаб, клуб бинолари қад кўтариб турибди.

Учра катта бўлмаган тош столб кўпинча меннинг эътиборимни ўзига жалб қилади. У — пойтахтнинг тез ўсганлигига жонсиз гувоҳдир. Бу тошга қўйилган сўзлар йўли ёзилган. 1783 йилда Москвадан икки версты наридаги Ильич заставаси бир вақтлар узок чекка жой ҳисобланар эди. «Батта император шаҳри — Москванинг тасвири»да бу застрада тўғрисида бундай дейилган эди:

«Батта Володимир йўлида — топ застрада бор, у Рогожская деб аталади. Ғаддаси ўртача, пичани бўлмагурс... Заставада Рогожская слобода

1917 йилдан буюн КПСС аъзоси Петр Павлович ЖУКОВ ҳикояси

бўлиб, унда ямшиқлар ҳамда кўчи келиб яшаётган ҳархил эркак ва аёл, жами 528 киши, 100 хонадон бор...»

Революциядан илгарики йиллари Москванинг четараси жуда секин кенгайиб бори. 135 йил мобайнида Москванинг четараси икки верстыгина сурилган. Ботқоқ-лош, тор ва эгри-бугри кўчалар, жуда кўп қовқоқчалар — кўрқ йил илгари бу районнинг қиёфаси ана шундай эди. Мен бунини, ўз кўзим билан кўрганман. Бу районда 1913 йилдан буюн ишлаб келмоқдам.

Гужон заводи (ҳозирги «Серп и молот» металлургия заводи), собиқ Гурск вагон устаканалари (ҳозирги Войтович номи вагон-ремонт заводи) ва бошқа корхоналарнинг ишчилари шонли революцион йўлни бошлайдилар. Марксистик тўғаракларда металлургия, темирйўллари, революцион оғи ўси. Улар большевиклар раҳбарлиги остида урта революцияда қатнашдилар, Москва баррикадаларида жанг қилдилар, цехларда курул тайёрладилар ҳамда шаҳарнинг барча иш-

чилари билан биргаликда 1917 йил Октябрда ғалабага эришдилар. Уш йил мен учун айниқса тарихий йил бўлди — мен Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кирдим.

Собиқ Рогож (ҳозирги Калинин) районининг кўчалари, корхоналарига қўйилган номлар ҳам пролетариатнинг қахрамонона ўтмиши тўғрисида ҳикоя қилади. Самокатная кўчаси Октябр жангларида қатнашган самокатчилар ротаси тўғрисидаги хотирани сақламоқда. Ўз кўпригига 1917 йил революцияси даврида ҳалок бўлган большевик ишчи Илларион Астаховнинг номи қўйилган. Ленин мамлакатдаги оғир аҳвол тўғрисида сўзлаб, биз, темирйўлчиларни жанубий районлардан галла ва озиқ-овқатни ташини учун зарур бўлган вагонларни тезроқ ремонт қилишга чақирган эди. В. И. Лениннинг районга келиб-кетганини тўғрисидаги хотирани абадийлаштириш мақсадида Рогож заставаси Ильич заставаси деб ўзгартирилди.



Бугунги Москва. Қизил майдон

В. Егоров, С. Иванов-Алаилуев, В. Соболев, В. Кошевой фотолари, (ТАСС фотохрестикаси).

